

**“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун
муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган**
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

Т/р	Мақсадли кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	2023 йил		Ижроси
			Режа	Амалда	
1-мақсад: Мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда болаларнинг тўлиқ қамровини таъминлаш					
1.	Болаларни мактабгача таълим билан қамров даражаси.	фоиз	74	74	<p>Бажарилди. Тизимдаги МТТлар сони 33 942 тани ташкил этмоқда (<i>6 780 таси давлат ва 27 162 таси нодавлат</i>). Маълумот учун: нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг <i>847</i> таси хусусий, <i>1 388</i> таси ДХШ асосидаги ва <i>24 927</i> таси оиласвий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари. Республика бўйича 2 930 844 нафар 3-7 ёшли болалар мавжуд бўлиб, уларнинг 2 169 538 нафари ёки 74,0 фоизи мактабгача таълим билан қамраб олинди.</p>
2.	6 ёшли болаларни мактабга тайёрлов тизими билан қамров даражаси.	фоиз	93	93	<p>Бажарилди. Жорий йилда 98 та тўлиқ кунлик, 271 та қисқа муддатли, 1 384 та мажбурий бепул тайёрлов гуруҳлари ташкил этилиши натижасида 711 768 нафар 6 ёшли болаларнинг 661 945 нафари ёки 93,0 фоизи қамраб олинди.</p>
3.	Янги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони.	мингта	1 600	4 402	<p>Бажарилди. 4 402 та оиласвий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилиб, қўшимча 115 708 нафар бола ўрни яратилди.</p>
2-мақсад: Умумий ўрта таълим тизимида “Таълим учун қулай муҳит” дастурини амалга ошириш.					
4.	Умумий ўрта таълим тизимида яратиладиган янги ўқувчи ўринлари.	мингта	100	118,6	<p>Бажарилди. 2023 йил Инвестиция, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг баёнлари, “Ташаббусли буджет”, маҳаллий буджет ва Халқаро молия институтлари маблағлари ҳамда ҳомийлик маблағлари ва бошқа қўшимча дастурлар доирасида тизимдаги 557 та мактабда 3,0 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар доирасида янги қуриш ва реконструкция қилиш ҳисобига</p>

					<p>118,6 минг янги ўқувчи ўринлари яратиш, 114,4 минг ўқувчи ўринли мавжуд бинолар мүкаммал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.</p> <p>Хусусан:</p> <p>Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг тегишли баёнлари ҳамда маҳсус қарорларга мувофиқ 359 та мактабларда 2,3 трлн. сўмлик қуввати 164,0 минг ўринли (шундан, 72,8 қўшимча яратилган, 91,2 мавжуд таъмирланган ўқувчи ўрини) биноларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.</p> <p>Шунингдек, “Ташаббусли бюджет”, маҳаллий бюджет ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 158 та мактабларда 303,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Натижада 38,6 минг янги ўқувчи ўринлари яратилади, мавжуд 14,2 минг ўринли бинолар мүкаммал таъмирланади.</p> <p>Шу билан бирга, Ҳомийлик ва бошқа қўшимча дастурлар доирасида эса, 40 та мактабларда 233,0 млрд. сўмлик қуввати 16,1 минг ўринли (шундан, 2990 қўшимча ўқув ўрни, 13,1 мавжуд қувват) биноларда қуриш, реконструкция қилиш ва мүкаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.</p>
5.	Тоза ичимлик суви ва санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминланган умумий ўрта таълим муассасалари улуши.	фоиз	87	88,5	<p>Бажарилди.</p> <p>Жорий йил Инвестиция дастури доирасида республика аҳоли пунктларида сув таъминоти тизимларини барпо этиш учун 145 та обьектга 1 746 млрд сўм маблағ ажратилган.</p> <p>Маълумот учун: жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида Халқаро ташкилотлар ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 20 та мактабларга сув тозаловчи ускуналар ўрнатилди. Шунингдек, вазирлик маблағлари ҳисобидан 64 та умумтаълим мактабларида “Тоза ичимлик суви” лойиҳаси доирасида 917,7 млн сўм маблағ эвазига сув тозалаш ускуналари ўрнатилди.</p>

					<p>Амалга оширилган ишлар натижасида, республика бўйича 10 163 та умумтаълим мактабларининг 8 711 таси 86 фоиз (<i>5 742 та марказлашган, 2 969 та муқобил манбалар</i>) марказлашган ва муқобил сув манбалари билан таъминланган бўлса, қолган 1 452 тасига (14%) ичимлик сувни ташиб келтирилади.</p> <p>Шу билан бирга, мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимида фаолият юритаётган 10 163 та умумтаълим мактаблари тўлиқ санитария-гигиена хоналари (<i>шундан, 11 083 та ташқи ва 6 810 та ички ҳожатхоналар</i>) билан тўлиқ таъминланган бўлиб, шундан, 10 114 та (91%) ташқи ҳамда 6 601 та (97%) ички ҳожатхоналар ҳолати қониқарли.</p> <p>Маълумот учун: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига ҳудуддаги мактабгача ва мактаб таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг инфратузилмасини яхшилаш, мактабгача ва мактаб таълими муассасаларини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, зарур санитария-гигиена шароитлари ва бошқа коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлаш ва бошқа бир қатор вазифалари юклатилган.</p>
--	--	--	--	--	--

3-мақсад: Умумий ўрта таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш

6.	Умумий ўрта таълим муассасалари учун яратиладиган янги дарсликлар, машқ дафтарлари, ўқитувчи методика китоблари сони.	номда	381	382	<p>Бажарилди.</p> <p>Умумий ўрта таълим муассасалари учун 382 номдаги янги яратилган дарсликлар мажмуалари 51,4 млн. нусха чоп этилиб, таълим жараёнига татбиқ этилди.</p> <p>Амалга оширилган ишлар бўйича Адлия вазирлигига ахборот киритилди.</p> <p>(12.12.2023 й. 02-02/4-2030-сонли хат)</p>
7.	Умумий ўрта таълим муассасаларига жалб этиладиган хорижий тил эгалари — мутахассислар сони.	нафар	500	501	<p>Бажарилди.</p> <p>Таълими ривожланган давлатлардан 501 нафар хорижий мутахассислар таълим муассасаларига жалб этилди.</p> <p>Маълумот учун: ҚҚР 9 нафар, Андижон 12 нафар, Бухоро 8 нафар, Фарғона 9 нафар, Жizzах 6 нафар, Наманган 5 нафар, Навоий 4 нафар, Қашқадарё 15 нафар, Самарқанд 16 нафар,</p>

					<p>Сурдарё 6 нафар, Сурхондарё 13 нафар, Хоразм 13 нафар, Тошкент 4 нафар, Тошкент шаҳар 381 нафар</p> <p>Амалга оширилган ишлар бўйича Адлия вазирлигига ахборот киритилди.</p> <p>(11.12.2023 й. 02-01/16-2017-сонли хат)</p>
4-мақсад: Педагог кадрлар мақомини ошириш, уларнинг билими ва малакасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш					
8.	Узлуксиз малакаси оширилган мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари ходимлар сони.	минг нафар	150	158 629	<p>Бажарилди.</p> <p>Ўқитувчиларнинг узлуксиз малака оширишларида имконият яратиш мақсадида малака оширишнинг анъанавий, ишдан ажралмаган ҳолда, масофавий, мустақил ва муқобил шакллари жорий этилди.</p> <p>“Узлуксиз касбий таълим” электрон платформаси ишлаб чиқилиб, педагог ходимлар онлайн шаклда платформа орқали малака оширишларига шароит яратилди.</p> <p>Мактабгача ва мактаб таълими ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиш курсларининг ўқув режаси ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.</p> <p>Мазкур дастурлар асосида 2023 йилнинг сентябрь-декабрь ойлари давомида 158 629 нафар мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари ходимларининг узлуксиз малакаси оширилди. Шундан, 56 499 нафари “Узлуксиз касбий таълим” электрон платформаси орқали онлайн шаклда, 102 130 нафари анъанавий шаклда педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари ва педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари ва нодавлат таълим ташкилотларида малакаси оширилди.</p> <p>Амалга оширилган ишлар бўйича Адлия вазирлигига ахборот киритилди.</p> <p>(12.12.2023 й. 04-02/3-1442-сонли хат)</p>